

Макрон франциялик имомларни Ал-Азҳарда таълим олишга чақирди



17:21 / 01.02.2019 1907

Франция президенти Эммануэль Макрон ўзининг Мисрга қилган расмий ташрифи доирасида “Ал-Азҳар” университетига ҳам борди. У ерда “Ал-Азҳар” шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб билан учрашди. Франция президенти “Ал-Азҳар”ни барча кўринишдаги қарама-қаршиликлар ва терроризмга қарши курашдаги ҳамда конфессиялараро диалогни йўлга қўйишдаги ролини юқори баҳолаган. Шунингдек, Макрон Франциядаги барча имом ва воизларни “Ал-Азҳар”да малака оширишлари лозимлигини таъкидлаган. Ўз навбатида, шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб “Ал-Азҳар” франциялик талабларга махсус стипендиялар ажратишга ҳамда Францияни “мўътадил исломий ғояларни” тарғибот марказига айлантиришга тайёрлигини маълум қилган.

Islom.uz портали таҳририяти